

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2023 йил
16 февраль
№ 7 (896)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

Бош муҳаррир минбари

Табиий офатлар ичида энг даҳшатлиси, ҳалокатга олиб келувчи хавф зилзила ҳисобланади. Зилзила шу хатари билан чеклавибгина қолмай, балки унинг иқтисодий, моддий ва маънавий зарар етказиши барчамизга маълум.

ДАРДИНГГА ШЕРИКМАН, ҚАРДОШИМ!



Маълумки, бундан 23 йил аввал, яъни 1999 йилнинг 17 августида биродар турк халқи катта зилзила талафотини бошидан ўтказганди. Туркия Республикасининг Сакарция, Измит ва Адапазари вилоятларида рўй берган кучли ер кимирлани натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлди, минглаб инсонлар эса жабр чекди. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётига анчагина зарар етди. Тусатдан келган бу офат садоқатли ўзбек халқини ҳам бефарқ қолдиргани йўқ.

Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида, Тошкент аэропортидан “Ил-76” махсус транспорт самолётида республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 24 кишидан иборат кутқарувчилар гуруҳи Туркияга учиб кетишганди.

Машъум табиий офат оқибатларини тугатишда дунёнинг 68 давлатидан кутқарувчилар катнашган бўлса, шулардан 8 тасининг иши алоҳида эътироф этилди. Ана шу мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор эди.

Жорий йилнинг 6 февраль тонгида Туркиянинг Жануби-Шарқий вилоятларида рўй берган 7,8 балли ер силқиниши ҳақидаги муҳим хабар дунё халқларини саросимага солиб қўйди, десак муболаға бўлмас.

Давлатимиз раҳбари шу куниёқ Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқа-

ли мулоқот қилиб, Туркиянинг Жануби-Шарқий вилоятларида рўй берган кучли ер силқиниши оқибатида минглаб инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Биродар Туркия халқига, вафот этганлар ва жабрланганларнинг оила аъзолари ва яқинларига далда сўзлари билдирилди.

Табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Адана ва Газиантеп шаҳарларига гуманитар ёрдам ва кутқарувчилар гуруҳи биринчилардан бўлиб, самолётлар орқали етиб келди. Туркия расмийлари билан эришилган келишувга мувофиқ, юртимиздан борган 100 га яқин кутқарувчилар энг кўп жабрланган ҳудудларга йўналтирилди ва кидирув-кутқарув ишларини давом эттириб келмоқда.

Гуруҳ таркибида вазирликнинг марказий аппарат ходимлари, зилзила рўй берган ҳудудда ишлаш учун зарур бир неча мутахассисликларга эга бўлган кутқарувчи-хайдовчилар ҳам бор. Махсус авария-кутқарув автомобиллари ҳам гуруҳ билан бирга жўнатилди. Бу автомобиллар фалокат юз берган ҳар қандай жойда кутқарув-кидирув ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган замонавий асбоб-ускуналар ва бошқа анжомлар билан тўла жиҳозланган. Бу воситалар вайронагарчилик ўчоқларида мустақил равишда авария-кутқарув ишларини ба-

жариш, 5 тоннадан 60 тоннагача оғирликдаги конструкцияларни кўтариб, олиб ташлаш қувватига эга бўлган кичик хажмдаги домкратлар, гидравлик асбоблар, электрогидравлик кайчилар, бензоарра, чигирлар ва бошқа ускуналардан ташкил топган бўлиб, қулаб тушган бинолар остидан жабрланганларни топиш ва қутқариш имкониятига эга.

Йигитларимиз кидирув-кутқарув ишларини яхши билган, табиий офат оқибатларини бартараф этиш борасида барча синовлардан муваффақиятли ўтган ва ўзига хос тажриба тўплаган мутахассислардан иборат. Аини пайтда улар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар, зилзила натижасида жабр чеккан туркиялик биродарларимизга қўлларидан келганча ўз ёрдамларини аямаяптилар.

Ҳалок бўлганларнинг аниқ сони ҳали маълум эмас. Вайроналар остидан қанча кетганлар ҳали қанча? БМТ қурбонлар сонининг ошишини билдирди. Жабрланган ва бошпанасиз қолганларнинг саноғи ундан бир неча баробар кўп. Темир йўллар, электр тармоқлари, турар жой бинолари

ва бошқа иншоотларга шикаст етди. Айримлари бутунлай яроқсиз қолган.

Жабрланган аҳоли учун биринчи навбатда зарур бўлган инсонларварлик юкларини ортилган 6-самолёт Ўзбекистондан Туркиянинг Адана аэропортига етиб борди.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонлик халоскорлар 15 нафар жароҳатланганларни, табиий офат қурбони бўлган юздан ортиқ инсонларни вайроналар остидан чиқариб олишди.

Шубҳасиз, бу республикамиз авария-кутқарув гуруҳлари учун нафақат ҳаёт синови, балки назарияни амалда бажариб, яна бир бор ўзига хос тажриба орттирганликларидан далолат бериб турибди.

Табиийки, бу ўзбек ва турк халқлари ўртасида олиб бораётган халқаро алоқаларимиз ҳамда дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Майли, турк биродарларим. Нима ҳам дердик? Офат қурбонсиз бўлмайди. Ҳаётнинг қалтис синовлари, табиатнинг ана шундай инжикликлари ҳам мавжуд экан-да.



УЛУҒ СИЙМОЛАР ЁДИ

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида Тошкент харбий прокуратураси Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида шеърят мулкнинг султони, улуг мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги ҳамда ўрта аср Шарқ маданияти ва адабиётининг ёрқин намоянаси, улуг шоир, олим, буюк давлат арбоби ва саркарда Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Унда Тошкент харбий прокуратураси ходимлари, Миллий Академик драма театри актёрлари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Кечада ёзувчи, шоирлар ҳамда актёрлар томонидан Захриддин Мухаммад Бобур ҳамда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар ўқилиб, санъаткорлар томонидан уларнинг газалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди. Хусусан, «Турон» давлат харбий театри актёрлари томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари барчага бирдек манзур бўлди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент харбий
прокурорининг ёрдамчиси,
адлия подполковниги.



ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

ФОРИШ тумани 1-сектор ҳудудидаги «Дўстлик» маҳалласи туманининг энг чекка ва узоқ маҳалласи ҳисобланади.

Жиззах харбий прокурори подполковник Отабек Хайдаров туманининг энг узоқ «Дўстлик» маҳалласи Мажрум қишлоғида жойлашган 32-умумтаълим мактаби ҳамда «Ойбек» маҳалласи ҳудудидаги Парашт қишлоғида жойлашган 13-умумтаълим мактабларида бўлиб, таълим-тарбия жараёни билан танишиди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар билан суҳбат ташкил қилиниб, туман Маънавият-маърифат маркази билан ҳамкорликда харбий ватанпарварлик мавзусида учрашувлар ўтказилди.

Мазкур тадбирлар 32-мактабда ҳам давом эттирилди. Унда вилоят харбий прокурори Отабек Хайдаров, Афғон уруши катнашчиси Ботир Тўраев, туман мудофаа ишлар бўлими бошлиғи Диёр Хасановлар сўзга чиқиб, Ватан ва ватанпарварлик мавзусида фикр юритдилар.

Аълочи, жамоатчи ўқувчиларга китоблар, спорт буюмлари ва эсдалик совгалари топширилди.

Олим ХАЙДАРОВ,
Жиззах харбий
прокурорининг катта
ёрдамчиси, адлия
майори.

Бухоро харбий прокуратурасига вилоятдаги олис ҳудудларда жойлашган мактаблар бириктирилган бўлиб, ушбу мактабларда «Прокурор соати»лари ўтказилмоқда.

“ПРОКУРОР СОАТИ”

Шундай тадбирлардан бири Бухоро харбий прокурори М.Бозармирзаев томонидан Ромитан туманидаги олис ҳудудда жойлашган 38-, 39-умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари иштирокида ўтказилди.

Тадбирда бугунги кунда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар билан бир қаторда, тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш йўлидаги қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида мисоллар келтирилди. Ватанимизнинг бугунги фаровон ва тинч ҳаёти қадрини янада теран англаш лозимлиги тушунтирилди.

Учрашув қизиқарли савол-жавобларга бой бўлиб, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дишод АБДУЛЛАЕВ,
Бухоро харбий прокурорининг ёрдамчиси,
адлия катта лейтенанти.

ОФИЦЕРЛАР УЙИДА

Чирчиқ харбий прокуратураси томонидан харбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш мақсадида, Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида бўш иш ўринлари бўйича меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда ҳудудий бандликка кўмаклашиш маркази, харбий қисм ва муассасалар ҳамда ўн бешдан ортик корхона ва ташкилотлар ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар.

Тадбир давомида ишга кириш истагида бўлган 8 нафар фуқарога бўш иш ўрни бўйича йўлланма берилди.

Шунингдек, тадбир давомида Чирчиқ харбий прокурори Қ.Анорбоев томонидан аҳоли билан бевосита очик мулоқотни таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни жойида баргараф этиш мақсадида

сайёр шахсий қабул ҳам ташкиллаштирилди.

Шахсий қабулда 6 нафар харбий хизматчи ва фуқаро ўз мурожаатлари билан харбий прокурор қабулида бўлдилар. Ушбу мурожаатларнинг 2 таси жойида ижобий ечим топиб, каноатлангиларди. 4 та мурожаат назоратга олинган ҳолда тегишли муносабди идораларга йўналтирилди.

Султанмурод КАЛЕНДЕРОВ,
Чирчиқ харбий
прокурорининг
ёрдамчиси, адлия
майори.

Навоий харбий прокуратурасига бириктирилган олис ҳудудлардаги мактабларда «Прокурор соати» тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР УЧУН



Жумладан, Конимех туманида жойлашган 13-умумтаълим мактабида ҳам шундай соатлар ўтказилди. Унда Навоий харбий прокурори адлия полковниги Жўрабек Ўринов иштирок этиб, ўқувчи-ёшларга харбий прокуратура ва Куролли Кучларда олиб борилаётган илохотлар ҳақида тушунтиришлар берди.

Харбий хизматчилар томонидан қурол-аслаҳалар бўйича ҳам тушунчалар берилиб, фаол иштирок этган ёшларга харбий прокурор томонидан китоблар совга қилинди.

Санъат ШОДМОНОВ,
Навоий харбий прокурорининг ёрдамчиси,
адлия катта лейтенанти.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкент харбий прокуратураси шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Ишга марҳамат» мономарказида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Дастлаб, Тошкент харбий прокурори А.Бобоев, шаҳар ҳокими ўринбосари Н.Умарова, Мудофаа вазирлиги харбийларининг оилалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси З.Мансуровлар томонидан иштирокчиларга тадбирнинг мазмун-моҳияти хусусида маълумот берилди.

Шунингдек, харбий хизматчиларнинг оила аъзоларига қатор идора ва ташкилотларнинг кўплаб бўш иш ўринлари таклиф этилиб, жойида ҳал қилиш чоралари қўрилди.

Тошкент харбий прокуратураси томонидан 10 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 7 тасига қонуний тушунтиришлар берилди. 2 та мурожаат жойида каноатлангиларди, 1 та мурожаат белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга йўналтирилди.

Бундан ташқари, иштирокчилар Соғликни сақлаш бош бошқармаси томонидан ташкил қилинган тиббий кўрикдан бекуп ўтказилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент харбий прокурорининг
ёрдамчиси, адлия подполковниги.

БЕҲУДА РАШК

Сурхондарёлик Ф.Т. 2019 йил март ойидан пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган машиналарни ювиш шохобчасида ишчи бўлиб ишлаб келган. У мазкур шохобча ёнидаги ошхонада идиш ювувчи бўлиб ишловчи бир қиз билан танишиб, турмуш қуради.

2021 йилнинг охиригача бориб, улар тез-тез жанжаллашиб туришди. Шундан кейин ҳар бири алоҳида хонадонда яшай бошлашди. Бундан хабар топган кизнинг онаси уларнинг оиласини сақлаб қолиш учун кизи ва кўёвини уйига таклиф қилади. Бироқ Ф.Т. у билан яшамасли-

дан хабар топган кизнинг онаси уларнинг оиласини сақлаб қолиш учун кизи ва кўёвини уйига таклиф қилади. Бироқ Ф.Т. у билан яшамасли-

гини билдиради. Гўёки хотини бошқа эркеклар билан суратга тушганига рашки келган. У хотинининг бу ишидан газабланиб, ундан ўч олиш режасини тузади. Шундай кунларнинг бирида телефонини бериш баҳонасида учрашувга таклиф қилади. Мақсади ёнида олиб келган пичок билан хотинини ўлдириш бўлган. Эр-хотин учрашганларида яна жанжал бошланади. Хотинининг бошқа эркеклар билан алоқаси борлигини вақт килиб, ёнида олиб келган пичок билан унинг қорин қисмига икки марта ва чап кўкрак соҳасига тан жароҳати етказган вақтида шу атрофдаги одамлар тўхташиб қолганликлари сабабли жиноий режасини охиригача етказмаган.

Аёл ўз вақтида шифохонага олиб борилиб,

кўрсатилган тиббий муолажалар натижасида ҳаёти сақлаб қолинган.

Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, аёлга оғир тан жароҳати етказилган.

Судланувчи суд мажлисида айбига тўлик икдорлик билдириб, енгилроқ жазо берилишини сўради. Жабрланувчи эса Ф.Т.га оғир жазо тайинлашни сўради.

Суд давлат айбловчиси хулосаси ва химоячининг фикрини тинглаб, иш ҳуж-

жатларини ўрганиб, ҳукм чиқарди. Суд ҳайъати судланувчига нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, жиноятни гараз ва паст ниётда содир этганлигини ҳисобга олди. Ф.Т. оғир жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хусанбой ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман
судининг судьяси.

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

“Адиблар хиёбони” ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида ФВВ Академияси ташаббуси билан буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳамда шох ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб “Алишер Навоий ва Бобур мероси – бекиёс маънавий хазина” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат уюшмаси масъуллари, танкили атқорлар, Ўзбекистон Республи-



“Навоий кон-металлургия комбинати” Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази раҳбарияти, Навоий ҳарбий прокурори, адлия полковниги Ж.Ўринов ҳамда вилоят ҳудудидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъуллари иштирокида марказ ҳарбий хизматчи ва хизматчилари ўртасида суицид ҳолатларининг содир этилиши, оилавий муаммолар, келишмовчиликлар, ажралишлар ва уларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар, қонунбузилишлар ва бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан кенгайтирилган учрашув ташкил этилди.

УЧРАШУВ

Тадбирда Навоий давлат педагогика институтининг малакали профессор-ўқитувчилари, вилоят “Окила аёллар” ҳаракати аъзоси, Навоий шаҳар кенгаши депутати Лағофат Ҳайдарова ва бошқа масъул мутахассислар иштирок этдилар.

Йиғилиш давомида сўзга чикканлар жамиятимизда рўй бераётган

турли ноҳуш ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, айниқса, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги коррупция ҳолатлари, уларнинг олдини олиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

М. УМУРЗОҚОВ,
Навоий вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи, капитан.

AMALIY TARZDA

Kitob tumani hokimligi, prokuratura, tuman favqulodda vaziyatlar, ichki ishlar bo'limlari, elektr tarmoqlari hamda tumangaz ta'minoti korxonalari, tibbiyot birlashmasi, Yong'inga qarshi kurash jamiyati va boshqa mutasaddi tashkilotlar hamkorligida yong'in xavfsizligini ta'minlash, is gazidan zaharlanish hamda chaqnash bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning oldini olish maqsadida amaliy seminar o'tkazildi.

Unda sodir bo'layotgan yong'inlarning aksariyati fuqarolar yashash xonadonlariga to'g'ri kelayotganligi tushuntirilib, ishtirokchilarga zarur tavsiyalar berildi.

Tadbir yakunida mavzuga doir eslatma va bukletlar tarqatildi.

Aktam ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

каси Жамоат хавфсизлиги университети, ФВВ Академияси, Куролли Кучлар Академияси, ИИБ Академияси, Божхона институти профессор-ўқитувчилари, тингловчи-курсантлар, бир гуруҳ ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида улуг бобокалонларимиз ҳайкаллари иойига гул қўйилди.

Кечанинг бадий қисмида Алишер Навоий ҳамда Захириддин Мухаммад Бобурнинг илмий мероси ёшларда она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, ватанпарварлик, иоқлик каби инсонийлик тўғрларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан Алишер Навоий ва Бобур ижодидан ифодали ўқилган ғазаллар ҳамда рубойлар барчага бирдай манзур бўлди ҳамда илик таассуротлар қолдирди.

Фарходжон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси, майор.

AEROPORTDA PROFILAKTIKA

Qoraqalpog'iston Respublikasi FVB obyektlarda yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi tomonidan «Nukus xalqaro aeroporti» MChJ xodimlari bilan mintaqada ob-havoning keskin so'vib ketishi natijasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz holatlarning oldini olish maqsadida profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.

Tadbirlar davomida qishning sovuq kunlarida isitish moslamalaridan foydalanishga ehtiyoj ortishi sababli no-standart elektr isitish moslamalari, shuningdek, ularning konstruksiyasida nazarda tutilgan yong'in kelib chiqish ehtimolini istisno qiluvchi termoregulyatori mavjud bo'lmagan yoki nosoz hollarda foydalanmaslik, himoya qobig'i shikastlangan va o'z himoyalash xususiyatini yo'qotgan elektr kabel hamda simlardan foydalanmaslik, shikastlangan rozetkalar va ulanish qutilari, yoqib-o'chirish kalitlari va boshqa har xil nosoz elektr uskunalardan foydalanmaslik tushuntirildi.

Shuningdek, aeroport xodimlarining yong'in xavfsizligi masalalarida mas'uliyatini oshirish, xizmat joylarida yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya qilish bo'yicha yo'riqnoma o'tkazildi.

Alibek ATADJANOV, Qoraqalpog'iston Respublikasi FVB OYXTTEB inspektori, mayor.

MULOQOT

Namangan viloyati FVB boshlig'i general-mayor Qosimali Ahmedov rahbarligida Pop tumani “Uyg'ursoy” mahallasidagi ma'naviyat va ma'rifat maskanida tuman FV bo'limi harbiy xizmatchilari va xizmatchilari, shuningdek, ularning oila a'zolari hamda tuman aholisi uchun sayyor qabul o'tkazildi.

Qabul davomida murojaatlar mutasaddilar tomonidan tinglanib, o'rganib chiqish uchun nazoratga olindi.

Aholi tomonidan yo'llangan 2 ta murojaatga asosan, mas'ul xodimlar bilan birgalikda joyiga chiqib o'rganish olib borilib, amalga oshirilishi lozim bo'lgan

tadbirlar yuzasidan kelishib olindi. Bu kabi sayyor qabullarning barcha shahar va tumanlarda o'tkazilishi rejalashtirilgan.

Qahramon SATTOROV,
Namangan viloyati FVB OAV va JT BHQG boshlig'i, kapitan.

SAYYOR QABUL

Farg'ona viloyati FVBda Farg'ona harbiy prokuraturasi tomonidan boshqarma tizimida xizmat qilib kelayotgan harbiy xizmatchi va xizmatchilar bilan sayyor qabul o'tkazildi.

Unda Farg'ona harbiy prokurori polkovnik Sherzod Saidov, viloyat FVB boshlig'i podpolkovnik Ilhomjon Qo'chqorov, Xalq ta'limi, Maktabgacha ta'lim, Sog'liqni saqlash boshqarmalari xodimlari ishtirok etdilar.



Qabulda harbiy xizmatchi va xizmatchilar tomonidan mehnat faoliyati davomida duch kelayotgan muammolar, nafaqaga chiqish, harbiy xizmatchilarni uy-joy bilan ta'minlash, ularning farzandlarini maktabgacha ta'lim muassasalari hamda umumta'lim maktablariga joylashtirish masalalari yuzasidan murojaatlar ko'rib chiqildi.

Murojaatlar ijrosi tegishli boshqarmalar mas'ullari tomonidan belgilangan tartibda o'rganildi. Jumladan, 4 ta murojaat joyida ijobiy hal etilib, 15 tasing ijrosi nazoratga olindi.

Sherzod SAIDOV,
Farg'ona harbiy prokurori, polkovnik.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Қурилиш бош бошқармасида вилоят ҳокими ўринбосари Р.Қобилов раислигида Тошқинга қарши вилоят комиссияси аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Унда вилоят ФВБ, Гидрометеорология бошқармаси, хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати Самарқанд станцияси, “Зарафшон” Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиқларининг вилоят аҳолиси ва ҳудудларини сел, тошқин ва кўчки ходисалари хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар, Самарқанд шаҳри, Ургут, Пайарик, Самарқанд туманлари ҳокимлари ўринбосарларининг аҳоли ва ҳудудларни сел, тошқин ва кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш давомида 2022 йилда сел, тошқин ва кўчки ходисалари хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича бажарилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, уларни вақтида бартараф этиш, 2023 йилда бу каби камчиликларга йўл қўймаслик лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Н.КАРИМОВ, Самарқанд вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, катта лейтенант.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА

Самарқанд вилояти Пахтачи туманида “Одамлар ва ҳайвонлар ўртасида қутуриш касаллиги тарқалишининг олдини олишда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Унда сўз олганлар томонидан касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.



Аббос АБДУРАҲМОНОВ,
Пахтачи туман ФВ бўлими ходими, катта лейтенант.
Камолиддин ИКМАТУЛЛАЕВ,
ФВВ Академияси курсанти.



HOKIM KUBOGI

Xorazm viloyatidagi huquqni muhofaza qilish organlari o'rtasida sportning erkin kurash turi bo'yicha "Xorazm viloyati hokimi kubogi" musobaqasi o'tkazildi.

Unda viloyat FVB, IIB, MG, Mudofaa boshqarmalari va harbiy qismlarda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar qatnashdi. Do'stona va ko'tarinki ruhda kechgan bellashuvda viloyat FVB xodimlaridan jami 6 vazn toifasida sportchilar qatnashib, 2 ta oltin, 2 ta kumush va 2 ta bronza,

jami 6 ta medalni qo'lga kiritdilar. G'olib va sovrindorlar viloyat hokimining diplom, medal va qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlandilar.

Sh.SAMANDAROV,
Xorazm viloyati FVB
TXvaJTTEB boshlig'i,
mayor.

БУЛУНГУРДА ЎҚУВ МАШҚИ



Самарқанд вилояти Булунгур тумани "Бобур" МФЙда "Одамлар ва хайвонлар ўртасида қутуриш касаллиги тарқалишининг олдини олишда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида қўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи уч босқичда бўлиб, 1-босқичда ФВДТ хизматларининг шахсий таркиби ва уларга бириктирилган асбоб-анжомларнинг шайлигини текшириш мақсадида саф кўриги ўтказилди. 2-босқич, яъни назарий қисмда вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бoshqarmasi ҳамда Ветеринария илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг маърузалари тингланди. 3-босқич – амалий қисмда машқ сценарийсига кўра, эгаси номаълум ит тишлашидан жабрланган фуқаро туман тиббиёт бирлашмаси травматология бўлимига мурожаат қилди. Тиббиёт бирлашмаси қабул бўлими орқали тегишли хизматларга хабар берилди ва жабрланган фуқаро алоҳида ажратилган антирабик ёрдам хонасига олинди, биринчи тиббий ёрдам ва қутуришга қарши вакцина қилинди.

Машқ якунида ҳисоботлар тингланди, камчиликлар муҳокама қилинди.

У.ХАЙДАРОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ РКТБМТЭБ
бошлиғи, подполковник.

SALOMATLIK GAROVI

Xorazm viloyati FVB shaxsiy tarkibi o'rtasida sportning stol tennisi turi bo'yicha "Xorazm viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi boshlig'i kubogi" musobaqasi o'tkazildi.

Musobaqa ikki bosqichda bo'lib, birinchi bosqich shahar va tumanlar kesimida o'tkazildi. Bunda yuqori natijalarni qayd etib, faxrli o'rinni

egallagan xodimlar keyingi bosqich, ya'ni viloyat bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritdilar.

Viloyat bosqichi Urganch



УЧ БОСҚИЧДА

Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган руҳий касалликлар шифохонасида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.



Ўқув машқи уч босқичда ўтказилиб, 1-босқичда шифохона шахсий таркиби ва уларга бириктирилган асбоб-анжомларнинг шайлиги кўриб чиқилди. Машгулот раҳбари тегишли хизматлар куч-воситалари ва тузилма сардорларининг ўқув машқига тайёргарлиги бўйича маълумотларини қабул қилди.

Иккинчи босқичда разведка, авария-кидирув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар, зарарлини зонасини чегаралаш, ёнғинни ўчириш амалиёти, кўп сонли жабрланган фуқароларни зарарлини зонасидан олиб чиқиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва шошилинч тиббий ёрдам марказига юбориш тадбирлари амалга оширилди.

Сўнгги босқичда шифохона ишчи-ходимлари иштирокида амалий тадбирлар якунланди. Unda ҳисоботлар тингланиб, камчиликлар муҳокама қилинди.

Илҳомжон БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

AMALDA KO'RILDI

Farg'ona viloyati FVB tomonidan viloyat IIBda yong'in-qutqaruv amaliy-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.



Unda yong'in-qutqaruvchilarning jangovar shayligini oshirish, korxon va tashkilotlardagi ishchi-xodimlarning favqulodda vaziyatlarda harakat qilish ko'nikmalarini oshirish hamda mavjud yong'inga qarshi suv manbalari sozligini sinovdan

o'tkazishga asosiy e'tibor qaratildi.

Ahliddin ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB
OAV va JTBHQG
boshlig'i,
katta leytenant.
S.UMAROV,
tezkor-boshqaruv xizmati
boshlig'i, podpolkovnik.

shahridagi "Yoshlik sport" majmuasida bo'lib o'tdi. Bahslar do'stona va ko'tarinki ruhda kechdi. Bellashuv yakuniga ko'ra Shovot tumani FV bo'limi 20-YQQ yo'riqchi-qutqaruvchisi Sherzod Kuryazov 1-o'rinni, Urganch shahar FV bo'limi 2-YQQ smena boshlig'i kapitan Azizbek Ro'zmetov 2-o'rinni, boshqarma yong'in-qutqaruv otryadi feldsher-qutqaruvchisi G'ulomboy Safarov hamda Xiva shahar FV bo'limi 4-YQQ qutqaruvchisi oddiy askar Umar Yuldashovlar 3-o'rinni egalladilar.

G'oliblar boshqarma boshlig'ining diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

Sh.SAMANDAROV,
Xorazm viloyati FVB, TXvaJTTEB
boshlig'i, mayor.

Qashqadaryo viloyati Qamashi tumanidagi Qamashi suv xo'jaligi va melioratsiya kollejida "Odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

QUTURISHGA QARSHI

Unda tuman FV bo'limi, veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi, tuman SEO va JSX, Obodonlashtirish boshqarmasi, tibbiyot birlashmasi mas'ullarining quturish kasalligining oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlarning bajarilishi yuzasidan hisobotlari va takliflari ishtirokchilarga yetkazildi.

Tadbir davomida Obodonlashtirish boshqarmasi huzuridagi daydi va qarovsiz qolgan hayvonlarni tutish bo'limini jamlash va bo'limga biriktirilgan maxsus transportning ko'rigi o'tkazilib, maxsus asbob-anjomlar va it saqlovchi qafaslar bilan ta'minlanganlik darajasi o'rganildi.

Mas'ul xizmatlar tomonidan quturish kasalligi o'chog'ida olib boriladigan maxsus tadbirlarni amalda bajarish hamda tuzilmalarning maxsus asbob-anjomlar va himoya vositalaridan foydalanish ko'nikmalari oshirildi.

O.XUSHVAQOV,
Qamashi tumani FV bo'limi NTB boshlig'i,
kapitan.

A.OMANQULOV,
bo'linma boshlig'i, kapitan.



SPORT O'YINLARI

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida "Sportni sev, sport bilan birga yasha!" shiori ostida stol tennisi musobaqasi bo'lib o'tdi.

Unda jami 28 nafar ishtirokchi bahs olib bordi.

Bellashuv yakuni bo'yicha 3-o'rinni 6-guruh tinglovchisi oddiy askar J.Ochilov, 2-o'rinni 7-guruh tinglovchisi oddiy askar J.Sayfiddinov, 1-o'rinni 4-guruh tinglovchisi oddiy askar J.Utesenov qo'lga kiritdi.

G'olib va sovrindorlarga markazning faxriy yorlig'i va esdalik sovg'alari topshirildi.

Sh.MAMATQULOV,
FVV Akademiyasi
huzuridagi BTvaMOM bo'linma katta ofitseri, mayor.

E'TIROF

Tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish bo'yicha o'tkazib kelinayotgan mashg'ulotlardagi faolligi uchun viloyat FVB Tezkor boshqaruv markazi boshlig'i podpolkovnik D.Dehqonov O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirining "Esdalik nishoni" bilan taqdirlandi.



O'z navbatida, podpolkovnik D.Dehqonovni ushbu e'tirof bilan muborakbod etgan holda, yurtimiz farovonligi va osoyishtaligi yo'lida olib borayotgan sharafli hamda mashaqqatli xizmatlarida ulkan muvaffaqiyatlar tilaymiz.

Farg'ona viloyati
FVB jamoasi.

Тошкент шаҳар ФВБ Миробод тумани ФВ бўлими, Соғлиқни сақлаш бош бошкармаси, СЭО ва ЖСХ ҳамда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими хизматлари ҳамкорлигида тиббиёт бирлашмасида одамлар ва ҳайвонлар ўртасида қутуриш касаллигининг олдини олиш тадбирларига оид семинар ва кўргазмалари махсус-тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.



КАСАЛЛИККА ҚАРШИ

Тадбирда ФВДТга кирувчи корхона, ташкилотлар ва фуқаролардан иборат 89 нафар иштирокчи катнашиб, маърузчилар томонидан қутуриш касаллиги, ундан ҳимояланиш ҳамда даволаш профи-

лактикаси юзасидан тушунтиришлар берилди.

Ж.РАХИМОВ,
Миробод тумани ФВ бўлими ходими, катта лейтенант.

SEMINAR

Olmazor tumani Mevazor 2-tor ko'chasidagi "WEEKEND MARKET" xususiy korxonasi ishchi-xodimlari uchun favqulodda vaziyatlar, xususan, yong'in yuz berganda uni bartaraf qilish yuzasidan amaliy-taktik seminar o'tkazildi.

Tadbir davomida yong'in yuz berganda uni bartaraf qilish usullari, is gazidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, yong'inlarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik, zilzila, sel kelishi, qor ko'chishi, kuchli shamol esishi bilan bog'liq bo'lgan favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko'chirish, favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bar-

taraf etish to'g'risida tushuntirish olib borildi. Shuningdek, gaz tarqatish qutilari mavjud yotoqxonalarini ko'zdan kechirish, profilaktik tadbirlarni amalga oshirish, ichimlik suvi va maishiy suv ta'minoti, suv havzalari, ariqlar va drenajlarni doimiy ravishda tozalash lozimligi eslatib o'tildi.

Sardor ILHOMOV,
Olmazor tumani FV bo'limi inspektori, leytenant.

ЎҚУВ МАШҚИ

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманида "Одамлар ва ҳайвонлар ўртасида қутуриш касаллигининг олдини олишда ФВДТ туман бўлими хизматларининг ҳаракатлари" мавзусида кўргазмалари махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.



Машқнинг амалий қисмида "Маданият" ОФЙда 4 та ўқув нуктада, яъни тиббиёт бирлашмасининг кишлоқ оилавий поликлиникасида ҳайвонлардан жароҳатланган фуқароларга антирабик тиббий ёрдам кўрсатиш, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг эмлаш бўйича фаолияти, эпизоотологлар ҳамда эпидемиологлар ҳамкорлигини ташкил қилиш, қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш бўлими ходимларининг ҳаракатлари кўриб чиқилди.

А.АМИРХОНОВ,
Қораўзақ тумани ФВ бўлими бўлини бошлиғи, катта лейтенант.

MUNOSIB RAG'BAT

Buxoro viloyati FVB tomonidan aholi va hududlarni favqulodda vaziyatlar va yong'inlardan muhofaza qilish bo'yicha viloyat korxonasi va tashkilotlari hamda aholining ish bilan band bo'lmagan qatlami bilan muntazam ravishda tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish bo'yicha amaliy va nazariy mashg'ulotlar o'tkazib boriladi.



Mazkur mashg'ulotlarga boshqaruvchi Tezkor boshqaruv markazi boshlig'i podpolkovnik R.Ahmedov rahbarlik qiladi.

Mudofaa vazirligi qo'shinlarida Yong'in xavfsizligi oyligini o'tkazishda faol ishtirok etganligi, o'z vazifalariga sidqidildan yondashib, yuksak kasbiy mahorati bilan barchaga o'rnatilgan bo'lganligi uchun podpolkovnik R.Ahmedov O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirining "Esdalik nishoni" va faxriy yorlig'i bilan taqdirlandi.

Albatta, bunday e'tirof harbiy xizmatchi zimmasiga yana bir karra mas'uliyat yuklaydi va xalqimiz farovonligini ta'minlashda jonbozlik ko'rsatishga chorlaydi.

Podpolkovnik Ravshan Ahmedovni ushbu e'tirof bilan qutlab, xizmat faoliyatida zafar va omadlar tilab qolamiz.

N.NURULLAYEVA,
Buxoro viloyati FVB matbuot xizmati yetakchi mutaxassisi.

PSIXOLOGIK TRENING

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorlarlik va malaka oshirish markazi harbiy xizmatchi va xizmatchilari ishtirokida psixologik trening o'tkazildi.

Trening davomida ishtirokchilarga psixologik trening, relaksatsiya va stressdan chiqish usullari haqida tushunchalar berilib, treningning asosiy qoidalari bilan tanishtirib o'tildi. Ishtirok etayotganlarga trener tomonidan o'tkaziladigan mashqlar, amalga oshirilgan ishlar to'g'risida batafsil ma'lumot berildi.

Mashg'ulot davomida musiqaterapiya,

biotrening, korreksion-diyagnostik metodikalar hamda testlar to'plamidan foydalanildi. Tinglovchilar "O'zingni tanishtir", "Men yiqilmayman", "Mening mendagi obrazim", "Men 10 yildan so'ng...", "Orzular stuli" va shu kabi qiziqarli mashqlar bilan ruhiy dam olishdi va turli xil stressli vaziyatlardan chiqish usullarini o'rganidilar.

Psixologik trening yakunida ishtirokchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob oldilar. Trening tinglovchilarda katta taassurot qoldirdi.

A.TURDIYEV, FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM bo'linma boshlig'i, leytenant.



Namangan viloyati FVB va uning quyi tizimlari shaxsiy tarkibi o'rtasida juftlik stol tennisi bo'yicha "Namangan viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi boshlig'ining kubogi" musobaqasi o'tkazildi.

STOL TENNIS

Musobaqada shahar, tumani bosqichida g'olib deb topilgan sportchilar ishtirok etdilar. Bahslar qizg'in va murossasiz o'tib, ishtirokchilar bor mahoratlarini namoyish etdilar.

Stol tennisining juftlik turi bo'yicha Chortoq tumani FV bo'limi 23-yong'in-

qutqaruv qismi haydovchi-qutqaruvchisi Bahodir Yo'ldoshev hamda yong'in-qutqaruvchisi Olimjon Turg'unovlar 3-o'rinni egallagan bo'lsalar, 2-o'ringa Kosonsoy tumani FV bo'limi 7-yong'in-qutqaruv qismi smena boshlig'i Akromjon Rahmonov hamda

yong'in-qutqaruvchi Umidjon Qosimovlar munosib ko'rildi.

1-o'rinni esa Namangan viloyati FVB YN va PTEB inspektori katta serjant Rashidjon Turdiboyev hamda Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi boshlig'i kapitan Feruzbek Yo'ldoshevlar egallab, boshqaruvchi boshlig'ining faxriy yorlig'i va qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlandilar.

Akram TURG'UNOV,
Namangan viloyati FVB XvaJTTEB boshlig'i, mayor.

Қашқадарё вилояти Журналистлар уйида тегишли соҳа вакиллари иштирокида вилоятда ўта хавфли юқумли касалликлар, қутуриш, Қрим-Конго геморрагик иситмаси, овқатдан захарланиш ва ботулизм касаллигининг олдини олиш, тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор ва ер қучқиси хавфини камайтириш бўйича амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор ва ер қучқиси хадисалари хавфини камайтириш бўйича вилоятда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар берилди.

Анжуман якунида мутахассислар ОАВ вакиллари кизиктирган саволларга жавоб бердилар.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



М.ОСТОНОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ
бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Б.ҲАМИДОВ,
бошқарма ҲФХУМ бошлиғи, катта лейтенант.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) кўплаб давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, маҳаллий шарт-шароитимиз, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда табиий-географик жойлашувимизни инобатга олиб ташкил этилган тизим бўлиб, бугунги кунда том маънода ўзига юклатилган вазифаларни шараф билан бажариб келмоқда.

ФВДТ ШАЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ФВДТнинг асосий вазифалари қаторида бошқарув органлари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун мўлжалланган куч ва воситаларнинг доимий шайлигини таъминлаш ҳамда аҳолини, бошқарув органларининг мансабдор шахсларини, қутқарув хизматлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш каби тадбирлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида, ФВДТ хизматларини фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга шайлигини таъминлашга хизмат қилган омиллардан бири ҳисобланади.

С.КИМ,
ФВБ Академияси хузуридаги
ФМИ ўқитувчиси.



SHARAFLI KASB

Surxondaryo viloyati FVB,
Qiziriq tuman hokimligi va tuman
Yoshlar ishlari agentligi hamkor-
ligida ijtimoiy-iqtisodiy muammo-
lari mavjud bo'lgan yoshlarni
kasbga yo'naltirish, harbiy-vatan-
parvarlik ruhida tarbiyalash
maqsadida, boshqarmaning
yong'in-qutqaruv otryadi va
yong'in-qutqaruv qismida "Ochiq
eshiklar kuni" o'tkazildi.

Tadbir davomida yoshlar qutqaruvchilarning kunlik navbatchilikni o'tash faoliyati, maxsus avtomashina va qutqaruv asbob-anjomlari bilan tanishtirildi.

J.JURAYEV,
Surxondaryo viloyati FVB guruh
boshlig'i, kapitan.

ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Тошкент вилояти Бўстоилиқ туманидаги Ихтисослашган кўп тармоқли бошқармаси "Қайнарсой резиденцияси"да ЁХТТЭБ ҳарбий хизматчилари ва туман газлаштириш корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда иситиш печлари, газ ва газ асбоб-ускуналаридан ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, комплекс чора-тадбирлар ташкиллаштирилди.

Ўрганишлар давомида фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, йўриқномалар берилди. Ёнғин-қутқарув хизмати ходимлари томонидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштирилиб, ОАВ орка-

ли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Рўзиматжон ХАЛИЛОВ,
Ихтисослашган кўп тармоқли бошқармаси инспектори, лейтенант.

Жаҳонгир АБДУҚАЮМОВ,
бўлинма бошлиғи,
подполковник.

GAZ BALLONLAR

Keyingi paytlarda fuqarolar tomonidan maishiy gaz ballonlardan foydalanish jarayonida xavfsizlik va yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilmasliklari natijasida yong'inlarning kelib chiqishi, ushbu yong'inlarda fuqarolarni tan jarohati olish holatlari kuzatilmoqda.

Buning asosiy sababi – aholining maishiy gaz ballonlardan noto'g'ri foydalanishidan kelib chiqmoqda.

Gap shundaki, yong'inning paydo bo'lishi maishiy gaz ballonlaridan gazning sizib chiqishi yoki ballonlarning portlashidan kelib chiqadi. Bu fuqarolarning loqaydligi va bu borada yetarli ko'nikmaga ega emasligidan dalolat beradi.

Ma'lumki, suyuqlashtirilgan uglevodород газлар tarkibida bir necha xil toksin moddalari mavjud. Bular asosiy serovodород moddasi bo'lib, u har yili maishiy gaz ballonlarning 0.1 mm. qatlamini yemirib boradi. Shuning uchun ballonlardan foydalanish muddati Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 11-noyabr-dagi qaroriga muvofiq, 15 yil deb belgilangan. Mazkur qarorga asosan ushbu ballonlar har ikki yilda sinovdan o'tkazilib, ta'mirlanib turilishi shart. Lekin ba'zi maishiy gaz ballonlari ish-

lab chiqarilganiga 30-40 yil bo'lganligiga qaramasdan, foydalanib kelinmoqda. Bu esa yuqorida ta'kidlaganimizdek, yong'in kelib chiqishiga, fuqarolarimizni kuyish tan jarohati olishi, hatto halok bo'lishi kabi fojiali oqibatlariga olib kelmoqda.

Shuni qayd etish lozimki, hududimizda maishiy gaz ballonlarining gaz bilan to'ldirilishida me'yoriy hujjatlariga asosan, ballon 80 foizgacha gaz bilan to'ldirilishi ta'kidlab o'tilgan. Lekin bizning iqlim sharoitimizdan kelib chiqadigan bo'lsak, kuz-qish mavsumlarida hamda bahorning boshlarida ballon 80 foizga to'ldirilishi mumkin, ammo yozgi mavsumda ballonga solinadigan gaz miqdori 65 foizdan oshmasligi zarur.

S.ABDULLAYEV,
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi binosida YXTTEB birinchi bo'linmasi YN va PB mutaxassisi, kichik serjant.

UNIVERSITETDA SEMINAR

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universitetida Olmazor tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik Shavkat Ibragimov, inspektor, katta leytenant Avaz Muhammadjonov hamda O'zMU moliyaviy-iqtisodiy ishlar bo'yicha prorektor Vali Yodgorov, fuqaro va mehnat muhofazasi bo'limi boshlig'i Behzod Mavlonovlar ishtirokida profilaktik tadbir tashkil etildi.

Unda podpolkovnik Shavkat Ibragimov tadbir qatnashchilariga favqulodda vaziyatlar, xususan, zilzilalar vaqtida qanday choralar ko'rish haqida ma'lumotlar berdi.

Tadbir mobaynida mu-

taxassislar ishtirokchilarni qiziqtirgan savollarga javob berdilar.

Muzaffar MURODOV,
Olmazor tumani FV bo'limi inspektori,
katta leytenant.

ЎРГАНИШ

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани "Шоҳкишлоқ" маҳалласидан оқиб ўтувчи Обизаранг дарёсининг қирғоқлари, сел ва сув тошқини хавфи мавжуд ҳудудларда ўтказилган хатловда рўйхатга олинган "Дашнабод" СИУга қарашли "Боғи Самарқанд" маҳалласида жойлашган 71-умумтаълим мактаби ҳамда мактаб филиали биноси ва "Дарাগистон" маҳалласидаги 33-умумтаълим мактаби бинолари, Олтинсой тумани "Қумпайкал"

маҳалласидан оқиб ўтувчи Олтинсой дарёсининг қирғоқлари ҳамда Денов тумани "Даштчинор" МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Обидарасойнинг қирғоқлари вилоят ФВБ ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўрганиб борилмоқда.

Ҳозирда бу каби тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ж.ЖУРАЕВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ ЖТ ва ОАВБХҚГ бошлиғи, капитан.

ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

"Қамчик" довозида ўтган автомобиль йўлининг 231.5 километрида ҳаракатланаётган "MAN" русумли юк машинаси техник носозлик сабабли йўлнинг қатнов қисмида тўхтаб қолган.



"Қамчик" МҚЁҚБ қутқарувчилари зудлик билан етиб бориб, юк машинасини махсус авария-қутқарув техникаси ёрдамида хавфсиз ҳудудга олиб ўтдилар. Ҳодиса оқибатида жароҳатланганлар йўқ.

Ш.АБДУСАТТОВА, "Қамчик" МҚЁҚБ етакчи мутахассиси.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Фавкулда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибаглари бартараф этиш ҳамда ёнги хавфсизлигини таъминлаш, икисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўи хонадонли уй-жой фондини, шунингдек, 2022/2023 йиллар куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталафот ўтказиш юзасидан Хонка туманида ташкил этилган штабда фуқаролар томонидан тушган мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, тегишли чоралар амалга оширилмоқда.

Фуқаролардан тушган мурожаатларга кўра, 341 та иситиш тизими дудбуронларидаги носозлик туман Ёнгига карши кураш жамияти томонидан бартараф этилган бўлса, 136 та хонадоннинг газ тизимидаги камчиликлар "Хонка тумангаз" бўлими томонидан бартараф этилди.

Туман ФВ бўлими томонидан тумандаги маҳаллаларда, хонадонларда ва ижтимоий соҳа объектларида фавкулда вазиятлар, ёнги ҳамда газ-хаво аралашмасининг чакнаши, ис газидан захарланиш каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича профилактик тушунтириш ва ўрганишлар ўтказилмоқда.

Ж.САФАРОВ,
Хонка тумани ФВ бўлими мутахассиси, оддий аскар.

Маънавият дарси

ИСЛОМ – ИЛМ-МАЪРИФАТ ДИНИ

Инсон ҳаётини илму маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ислому динидаги илм иймон, яхши ният ва ихлосга асосланган бўлади. Дарҳақиқат, ислому халқлари ичидики илмнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, айни жиҳатни яққол кўраимиз.

Юртимиз бебаҳо маънавий-маданий меросимизни ҳолисона ўрганиш ва тиклашга давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли маданий меросимиз дурдоналарини излаб топиш, асраб-авайлаш, сақлаб қолиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича истиқболли режалар тузилди. улуг алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама, ҳолисона ўрганила бошланди.

Маълумки, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдухалиқ Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Накшбанд, Ҳаким Термизий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий каби тасаввуф илмини назарий ва амалий жиҳатдан бойитган буюк мутафаккирлар ўзларининг қимматли асарлари билан нафақат ислому олами, балки бутун дунё маданиятида ўчмас из қолдирган. Уларнинг жамият ҳаётида фаол катнашган етук тарихий шахслар сифатидаги диний, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий қарашларининг асл моҳияти ва аҳамиятини ёритиб бериш, албатта, ҳозирги давр учун ниҳоятда зарурдир.

Ҳакимлардан бири айтади: "Мен икки кишига ачинганчалик бошқа ҳеч кимга ачинмаганман: илми тушунмасдан туриб ўрганган кишига ҳамда илмнинг муҳимлигини тушуниб, уни ўрганмаган кишига".

Ёшлиқ даврида вақтнинг кадрига етиш, ундан унумли фойдаланиш лозим. Ҳасанул Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: «Ёшлиқда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабир», – деганлар.

Буюк тобеинлардан Алқама ибн Қайс раҳматуллоҳи алайҳ: "Ёш йигитлик давримда ни-

мани ёдлаган бўлсам, гўё унга (ёдлаган нарсамга) вараққа қарагандай бўламан". Яъни ёшлиқда ўрганган илмим шунчалик қалбимда ўрнашдики, уни бирор бир ёзилган қоғоздан ўқигандек айтишим мумкин. – дер эканлар.

Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: "Илмдан бир боб ўрганиб, тонг отиришинг юз ракат намоз ўқишингдан афзалдир".

Илм ўрганишга ана шундай одат қилган, маърифат нуридан баҳраманд бўлган орифлар жамиятида нафақат инсонга, балки ҳайвонга, кўрт-қумурскаларга, бир сўз билан айтганда, бутун жонли ва жонсиз мавжудотга гўзал муомалада бўлганлар. Чунки маърифатли инсон табиатдаги биргина тошининг ҳам ўз ўрни ва вазифаси борлигини англайди. Аллоҳ таоло ўз Каломидики суралардан бирини "Намл" – "Чумоли" деб аташи бежиз эмас.

Демак, бу маърифат бизга ҳатто чумоли билан ҳам қандай муомала қилишимизгача ўргатади. Аллоҳ таоло бутун борлиқни инсон учун яратди. Айни пайтда, бу борлиқ инсонга омонат ҳамдир. Омонатни омон сақлаш ҳам унинг вазифаси. Аслида, муъминлик ҳам шу. Муъмин, иймон, омон сўзларининг ўзаги ҳам битта.

Ислому динида Оилога муқаддас бир кўргон сифатида эътибор қаратилади. Бу кўргон бут бўлса, жамият аъзолари ҳар хил жисмоний, маънавий, ахлоқий ва руҳий таъжовулардан ҳимояланган бўлади. Айни пайтда, у ота-она, жуфти ҳалол, фарзандлар, ака-ука, опа-сингилларни ўз бағрига олган фарогат маскан ҳамдир. Энг чиройли муомала, ҳурмат-иззат ва меҳр-муҳаббат оилога қаратилиши лозим. Бу ҳақларни адо этиш билан инсон фарогатда яшайди, авлодларининг ҳулқидан қўнгли тинч бўлади.

Ушбу ҳақларнинг барчаси Ислому динида баён қилинган. Биз уларни ўқиб-ўрганишимиз, зиммамиздаги ҳақларни адо этишимиз лозим.

Зеро, ислому – илм-маърифат дини, унда кўрсатилган маърифат йўли – инсонга икки дунё саодатини қафолатлайдиган мунаввар йўлдир.

Баҳоидир ВАЛИЕВ
интернет манбалари асосида тайёрлади.

QURILISHDA YONG'IN XAVFSIZLIGI

Бугун ҳар бир соҳа шиддат билан ривожланмоқда. Bunga qurilish sohasidagi o'zgarishlarni ham alohida ta'kidlash lozim. Baland qavatli, o'ziga xos arxitektura dizayniga ega bo'lgan yangi cha uslubda va yangi qurilish materiallaridan foydalangan holda qurilayotgan binolarning yong'in xavfsizligini hamda seysmik jihatdan mustahkamligini ta'minlash esa yanada yanada ma'suliyatli vazifadir.

Qurilish obyektlarida yong'in xavfsizligi har tomonlama va doimiy ta'minlanishi uchun maxsus yong'in o'chirish moslamalarining mavjudligi, barcha xodimlar tomonidan xavfsizlik qoidalariga rioya qilinishi va mahalliy yong'in qutqaruv bo'limi bilan kecha-yu kunduz aloqani tashkillashtirish zarurligi talab qilinadi.

Qurilish maydonchasi va unga tutash hududlarning holatini doimiy ravishda kuzatib borish, shu jumladan, yong'in xavfsizligini ta'minlash uchun vositalar mavjudligini tekshirish va birlamchi yong'in o'chirish vositalarini qayta ko'rib chiqish, ularning ishga yaroqliligini, soz holatda ekanligini doimiy monitoring qilish kerak.

Asosiy masalalardan biri yong'in xavfsizligi bo'yicha javobgarlikdir. Ushbu javobgarlik qurilish obyektining rahbariga yuklatiladi. Qurilish maydoni yong'in xavfi yuqori bo'lgan joy hisoblanadi, chunki qurilish obyektlarida olovli ishlar, payvandlash, bo'yash, kesish, parmalash shuningdek arralash ishlari olib boriladi, turli xil yonuvchan suyuqliklar va yonuvchan materiallar doimiy ravishda mavjudligi sababli yong'in sodir bo'lmasligi uchun yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy amal qilinishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, qurilish maydonining yong'in xavfsizligi talablarining buzilishi odamlarning sog'ligini yo'qotishi hattoki, o'limiga ham olib kelishi mumkin. Shuningdek, asbob-uskunalar, qurilish materiallarining nobud bo'lishi va atrof-muhitga zarar yetkazishi natijasida katta moddiy zarar yetkazadi. Bunday hodisalarning oldini olish uchun yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya qilinishini ta'minlash zarur.

Shohnur UROLOV,
Toshkent shahar FVB NTB inspektori, leytenant.



ТАРҒИБОТ

Фавкулда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ҳокимлиги, вилоят ФВБ масъуллари, туман ФВ ва газ таъминоти бўлимлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан навбатдаги назорат-тарғибот тадбирлари олиб борилди.

Амалий тадбирлар жараёнида туманнинг қизил худудларидаги ҳар бир аҳоли яшаш хонадонларига уйма-уй қилинган ҳолда аниқланган камчилик ва қонда бузилиш ҳолатлари бартараф этилди. Хонадон эгаларига бу каби хатоларга йўл қўйишнинг аянчли оқибаглари тушунтирилди.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари ту-

мандаги ижтимоий соҳа объектлари ва таълим муассасаларида ҳам давом этди. Объектларнинг хавфсиз иситилиши назоратга олиниб, зарур ёрдам кўрсатилди.

Аброр АБДУКАРИМОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ бўлим техниги.

Элёр ХУДОЙҚУЛОВ,
Сайхунобод тумани ФВ бўлими бошлиғи, майор.

О'Т О'ЧИРГИЧЛАР

О'т о'чиргичлар сувли, ко'пikli, kukunli, karbonat angidridli va aerazolli bo'ladi. Qaysi o't o'chirgich qanday turdagi yong'inni o'chira olishini o't o'chiruvchi moddasiga qarab aniqlash mumkin.

Suvli o't o'chirgichlar suv yoki suv asosidagi eritmalaridan tarkib topgan. Bunday kompozitsiya B, C, D va E klassidagi yong'inlarni o'chirish uchun mos kelmaydi.

Suvli o't o'chirgichlar tabiiy tarkibiy qismlari tufayli sog'liq uchun eng xavfsiz hisoblanadi. Ushbu qurilmalar yiliga kamida bir marta tekshirilishi va qayta zaryadlanishi lozim.

Ko'pikli-havoli o't o'chirgichlar qattiq materiallarni va yonuvchan suyuqliklarni o'chirish uchun ishlatiladi. Ular yong'inning dastlabki bosqichlarida samaraliroq hisoblanadi. Ishqoriy metallarni, tarmoqqa ulangan elektr jihozlarini va yonish uchun kislorodga muhtoj bo'lmagan materiallarni bunday aralashmalar bilan o'chirish taqiqlanadi.

Agar bo'yoq mahsulotlari, yog'och, yog' va qog'oz yonayotgan bo'lsa (A va B yong'in klasslari), ko'pikli-

havoли o't o'chirgichlardan foydalanish mumkin.

Ko'pikli-havoli o't o'chirgichlar yiliga bir marta tekshirishi va qayta zaryadlanishi kerak.

Karbonat angidridli o't o'chirgichlari 1000v. gacha kuchlanishga ega yonayotgan elektr jihozlarini, avtomobil dvigatellarini va yonuvchan suyuqliklarni (B, C, E yong'in klasslari) o'chirish uchun ishlatiladi. Bunday qurilmalarni muzeylar, arxivlar, kimyoviy laboratoriyalar va idoralarda topish mumkin. Bundan tashqari, bunday o't o'chirgichlar har bir transport vositasida bo'lishi kerak.

Karbonat angidridli o't o'chirgichlari bosimni tekshirish uchun yiliga bir marta o'chiriladi va har besh yilda bir marta yong'in o'chiruvchi vosita bilan to'ldiriladi.

Salohiddin TO'LAGANOV,
Toshkent shahar FVB
YoXTTEB YoN va PB
mutaxassisi, oddiy askar.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БУЮК СУЛОЛА ВАКИЛИ



1494 йилда отаси томдан йиқилиб вафот этади, ёш йигитча Бобур шох, деб эълон қилинади. Бобур давлат ишлари билан астойдил кизикади. Ёш бўлишига карамай Самаркандни ўз қармоғига олиш учун ҳаракат қилади, аммо тажрибасизлиги туфайли ниятига ета олмади. 1500 йилда иккинчи бор юриш қилиб, уни қўлга киритади. Лекин Шайбонийхон ҳужум қилиб, шаҳарни тўрт ойча қамал қилиб туради. Аҳоли иктисодий жихатдан қийналади, шу туфайли Бобур Шайбонийхон билан битим тузиб, шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Андижон ҳам қўлдан кетади, уни қайтариб ололмагач, ўзига содик одамлар билан 1504 йили Кобулга юриш қилади ва жангсиз эгаллайди. Кобулни ўгли Камронга топширгунча – 1526 йилгача идора қилади, юртда кўп хайрли ишлар қилади: карвонсаройлар, масжид-мадрасалар курдиради, ариқ ва каналлар қаздиради, бог-роғлар барпо эттиради, фан ва адабиёт, санъатнинг ривожига фаол кўмак беради. Ҳатто «Бобурнома»да айтилишича, у ерга шакарқамиш келтириб эктирган.

Бобурнинг ҳаёт йўли жуда мураккаб. У 12 ёшида Андижон тахтига ўтирганидан бошлаб, 1530 йилгача, яъни вафотигача машаққатли ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. 1498, 1500, 1512 йилларда ота тахти Самаркандни эгаллади. Аммо Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиш орзуси амалга ошмади. Бобур Мовароуннаҳрда қарийб 130 йил салтанат қурган теурийларнинг сўнгги вакили бўлиб тарихга кирди. Шундан сўнг у Кобулни пойтахт қилиб, Афғонистонда ўз салтанатини қуришга муваффақ бўлди.

1525 йилда эса Ҳиндистонга муваффақиятли юриш қилиб, Иброҳим Лўдини энгади ва ҳозиргача буюк мўғуллар империяси номи билан машҳур бўлган империя тузади. Бу империя салкам 500 йил ўз мавқенини сақлаб турди. У асос солган империя Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим роль ўйнади.

У подшоҳ сифатида ҳар қандай салтанат эгаси ҳавас қилса арзигудек зафарларга эришганди. Ўзи бир шеърда айтганидек, “олти ойда олти тахт олган”.

Бобур, энг аввало, ўз даврининг фарзанди эди. У вазият такозоси билан тахтга ўтирар экан, ўрта асрлар муҳити ва талабидан келиб чиқиб, турли ижтимоий ва ҳарбий низолардан четда туриши мумкин эмас эди. Тинимсиз уруш-юришларда, тож-тахт талашувларида унинг мохир саркардалиқ қобилияти намоён

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фавқуллода ноёб истеъдод эгаси, атоқли давлат арбоби, мохир саркарда, истеъдодли шоир, адиб, донишманд, тарихчи, заковатли олим ва таржимондир. Бобур номи ўзбек маданияти, ўзбек ақду тафаккури, борингки, ўзбек шаъну шукҳунинг тимсолларидан биридир.



бўла борди. Унинг Шайбонийхондек тажрибали ҳукмдор билан тўқнашиб, баъзан мағлубиятга учраса, баъзан голиб келиши, аскарлари бир неча бор кўп бўлган Иброҳим Лўдини зўр ҳарбий маҳорат кўрсатиб енгитиши, машҳур хинд саркардаси Раъно Санго галаёнини баргараф этиши бунинг яққол намунаси.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида биз қаттиққўл, ўрни келганда, шафқатсиз шох Бобур билан унга зид бўлган олийжаноб, марҳаматли ва мушфиқ Бобурни ҳам кўраимиз. Бобур кўплаб асирларни озод қилади, ашаддий душмани Аҳмад Танбалнинг асир тушган укасини ҳам кечириб юборади. Адолатсизлик ва муштумзўрликдан ғазабланади (бир

кўза ёғ ўғирлагани учун бир навкарни таёқлатади).

Бобур айна пайтда ҳарбий юришларини ҳам тўхтатмади: 1506 йилда Самаркандга юриш қилиб, уни забт этди. 1512 йилда Бухорога юриш қилиб, Убайдулла хондан енгилди. 1522 йилда Қандахорни қўлга киритди. Ҳиндистондаги ҳокимларнинг иттифоксизлиги ва ўзаро жанжалдан фойдаланиб, 1525 йилда Панжоб вилоятини босиб олди. Моҳир саркарда Бобур ўн икки минглик қўшини билан Деҳли султони Иброҳим Лўдиннинг юз минглик лашкари устидан ғалаба қозонади (1526 йил), бир йилдан сўнг хинд ҳукмдорларидан Рожа Санграмни ҳам енгади, пойтахтни Аграга кўчиради. Бобур Ҳиндистон халқларининг тинч-тоғув яшашлари учун зарур шароит яратди, юртнинг иқтисодий, маданий ривожланишини таъмин қилади. У 1530 йилда Аграда вафот этди, унинг васиятига кўра, 1533 йилда хоки Кобулга келтирилиб, ўзи севган бокка дафн этилди. Бобурнинг фарзандлари, айниқса, невараси шох Акбар Бобурийлар шухратига янада шухрат қўшган.

Бобур ғалабадан эсанқирамайди, мағлубиятдан ўзини йўқотмайди. Навкарларга шахсий намуна кўрсатади (музни тешиб, 16 марта сувга шўнгинганлиги, иссиқ горга кирмай, корга кўмилиб тонг оттиргани). Шу билан бир қаторда яқин кишиларидан бирортаси вафот этса, қаттиқ қайғуради, ўғилларига меҳр-шафқат кўрсатади, уларни ҳамжихатликка ундайди, керак бўлса, уларга жонини фидо қилади. Кучли иродаси ва матонати билан кўпчиликни хайратда қолдиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бо-бокалонимизни улуғ мутафаккир, давлат раҳбари, мохир саркарда ва нозик таъбли, юксак истеъдодли шоир, тарихчи олим десак, асло муболага қилмаган бўламиз.

Ҳ.ЯҚУБОВА, О.ЧЎЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ
ҲФХУМ катта ўқитувчилари.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б. ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан руйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сугалли ота кўчаси 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 7200 нуска